

БИР АСАР ЮЗАСИГА ЖО БЎЛГАН ШОНЛИ ТАРИХ

Х. Э. Султанов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти

М. Ж. Махмудов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

xayitsultanov@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада Covid-19 пандемияси туфайли юзага келган вазиятда “Устоз ва шогирд” ҳамкорлигда бажарилган бир маҳобатли рангтасвир асарининг иқтидорли талабаларни ижодкорликка қизиқтириш, мустақил билим олишга йўналтириш, ёшларга таълим-тарбия бериш сифатини ошириш учун керакли восита эканлиги асослаб берилди.

Шунингдек асарнинг институт талабаларининг маънавий дунёқарашини шакллантиришда, уларда ватанпарварлик, миллий ғурур ҳиссини тарбиялашда аҳамияти ёритиб берилди.

Калит сўзлар: Устоз - шогирд анъанаси, таълим кластери, таълим-тарбия, тасвирий санъат, иқтидорли талаба, композиция, рангтасвир, ватанпарварлик, миллий ғурур.

THE GLORIOUS HISTORY OF A WORK

ABSTRACT

The article argues that in the situation caused by the pandemic of Sovid-19, a monumental painting "Teacher and Student" is a necessary tool to attract talented students to creativity, direct them to independent learning, improve the quality of education for young people.

The importance of the work in shaping the spiritual outlook of students of the institute, cultivating in them a sense of patriotism and national pride is also highlighted.

Keywords: Teacher-student tradition, educational cluster, education, fine arts, gifted student, composition, painting, patriotism, national pride.

КИРИШ

2019 йил охирларида курраи заминда яшовчи барча давлатлар ва халқларда синовли давр бошланди. Барча мамлакатларда карантин эълон қилинди. Карантин даври ҳаммага ҳар хил таъсир қилди. Тайинли касби,

кўлида хунари йўқ инсонлар бу вазиятдан асабийлашди, кимдир зерикди, яна кимдир тушкунликка ҳам тушиб қолди.

Карантин пайтида Чирчиқ давлат педагогика институти “Тасвирий санъат” кафедраси устозларида ҳам ижодий иш билан шуғулланиш учун бир сабаб бўлди. жамоанинг ижодкор ўқитувчилари ҳамда талабалар (“Ёш муссафвир”, “Сехрли мўйқалам”, “Китоб графикаси”, “Амалий санъат” тўғараклари раҳбарлари ва аъзолари) институтнинг 3-биноси ички пештоқига “АСРЛАРДА ТОВАЛАНГАН АСЛ МАЪРИФАТ” деб номланган 30 квадрат метр ҳажмдаги маҳобатли рангтасвир композициясини яратдилар.

Устозлари ёнида туриб ижод қилган талабалар картинани ишлашда нафақат устозларига ёрдам беришди, балки “эшитдим, кўрдим, бажардим” тамойили асосида тасвирий санъатнинг маҳобатли рангтасвир тури билан яқиндан танишдилар, композиция яратиш усулларини эгалладилар, муаммоли масалаларда устозларидан сабоқ олиб, ўзларининг ижодий ҳаракатлари билан бошқа талаба ва ўқувчиларни жалб қила олиш кўникмаларига ҳам эга бўлдилар. Композиция яратиш жараёнида улар перспектива, колорит, асосий ғоя, олтин кесим тушунчаларига эга бўлишди ва картинани яратишда муаммонинг турли хил бадий ечимлари мавжуд эканлигини англаб етишди. Бу ерда кафедранинг ижодкор рассом-педагоглари ўз фикрларини сингдирмаган ҳолда талаба ва ўқувчиларга эркин мулоҳаза юритиш, баҳслашишга йўл қўйиб беришди, тўғри томонга йўналтириб, керакли жойда “мастер-класс”лар кўрсатиб, уларга яқиндан ёрдам беришди. Иш бошиданок талаба ва ўқувчиларга қарор қабул қилиш ўзларининг зиммасида эканлигини, шовқалоқлик билан қарорлар қабул қилишнинг оқибатларини тушунтирилди.

МЕТОДОЛОГИЯ

“Устоз ва шогирд” ҳамкорлиги тамойилидаги асосий эътибор талаба ёки ўқувчининг ҳаракатлари тайёр билимларни ўзлаштиришга эмас, балки амалий жараён орқали уни янада ривожлантиришга қаратилди. Бундай фаолият натижасида фақат билимларни эгаллаш эмас, балки ишни тўғри ташкил этиш, тасвирий санъат ашёлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш, касбий ахлоқини ривожлантириш билан бир қаторда ўқув-тарбиявий ишлар ҳам амалга оширилди. Бундай кўникмалар эса шубҳасиз, талаба-ёшларнинг келажакдаги касбий фаолияти учун замин яратади.



Санъат гулшани мисоли тоғлар ҳовучидаги чаман. Талабалар ижодий ишлаш жараёнида унга етишиш нақадар машаққатли ва завқли эканлигини ҳис қилишди. Азалдан тасвирий санъат тарихий воқеликларни ҳозирги пайтгача етиб келишида асосий воситачи вазифасини бажариб келган. Энг муҳим тарихий воқеалар ҳар доим санъат асарларида акс эттирилган. Тасвирий санъат асарлари орқали биз бевосита ўтмишга сайр қилиб, ўша давр руҳиятини ҳис қилгандек бўламиз. Тарихий воқеликлар билан биргаликда, мусаввирнинг маҳоратидан хайратланамиз, асардаги чизиқлар ва ранглар жозибасидан баҳраманд бўламиз. Бундай санъат асарлари кишининг маънавий дунёсини

бойитади, ватанпарварлик, инсонийлик, гўзалликни ҳис қилиш хислатларини ҳар томонлама тарбиялайди, Фақат томашабинда картинани “ўқий олиш”, ҳа айнан ўқий олиш малакаси ва маданияти бўлиши лозим.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги ахборот технологиялари ва интернетнинг ёшлар ҳаётига чуқур кириб бораётган глобаллашув даврида табиийки, уларни китоб ўқиш, санъат асарлари, табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлиш истакларини сўндириб бормоқда, маънавий мерос масалалари, миллий қадриятлар уларни кўп ҳам қизиқтирмай қўйди. Улар одоб-ахлоқда ҳам, кийинишу, муомала, қўйингки бутун ҳаёт тарзида хориждан кириб келган мазмунсиз ғояларга боғланиб қолишди. Маъносиз нарсаларга тақлид қилиш ҳолати кучайди. Бу муаммолар ечими сифатида санъатнинг кучидан тўғри фойдаланган ҳолда ёшлардаги санъат асарларидан баҳраманд бўлишлари учун шароит яратиш бериш муҳим аҳамиятга эга. Санъат асарларини кўриш, таҳлил қилиш, тушуниш, “ўқий олиш” малакаларини тарбиялаш учун авваломбор, шунга яраша муҳит яратиш лозим.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти асосий биносининг ички пештоқига ишланган полотно айнан шундай муҳит яратилишига сабаб бўлди. Институтда таҳсил оладиган талабалар, унинг меҳмонлари, ўқувчилар учун тарихни ўрганиш, эстетик завқ олиш, бадиий асарни таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлди.

Келинг биз ҳам маҳобатли рангасвир асарига яқинроқ келамиз ва ўзимизга савол берайлик: тасвирий санъат инсон фаолияти учун нима беради? Тасвирий санъат - бу нафақат санъат, балки фалсафа, инсонларга психологик таъсир этувчи бир кучдир. У инсонларга атрофдаги барча жараёнларни шакллар, ранглар орқали тафаккур қилиш, конструктив асосни тушунишга ўргатадиган фандир. Шунинг учун тасвирий санъат асарлари кишиларнинг маънавий дунёсини бойитиш ва эстетик дидини тарбиялашда энг муҳим восита ҳисобланади. Ушбу рангасвир асари ҳам оламни чизиқлар ва ранглар воситасида кўриш орқали томашабинга ҳиссий жозибаторлик бахш этади, чизиқлар, ранг, шакл ва рамзлар орқали ижодий асарни ўқиш, тушуниш имконини беради.

Ижодкор-педагоглар, талаба ва ўқувчилар томонидан яратилган ушбу асарни томоша қилар экансиз, беихтиёр унинг ичига кириб кетгандек бўласиз. Ушбу композициянинг мақсади нима? У рассомнинг тафаккури ва ижодий

махорати орқали томошабинга картинанинг ташқи жозибаси ва композициядаги ички кечинмалар, буюк аждодларимизнинг шонли тарихини ҳикоя қилиш учун мўлжалланган.

Дарҳақиқат, картина инсоният тарихи, хусусан туркий халқлар тарихи, тамаддуни яралишидан ҳозирги кунгача бўлган тарихий тараққиётни ўзида акс эттирган. Картинани таҳлил қилиб турли даврларнинг, ривожланиш босқичлари, ҳар бир давр маданияти ҳақида тушунча ҳосил қила борасиз. Картинада ҳар бир элемент рамзий маънода қандайдир воқеликлар, ўша даврда фанга киритилган янгиликларнинг қанчалик муҳимлиги, унинг илмий аҳамиятидан сўзлайди. Муаллифлар композициядаги ҳар бир элемент (шакллар, ёзувлар, рақамлар, буюмлар, кийимлар) орқали композициянинг асл моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилишган. Контраст рангларнинг ёнма-ён қўйилиши, баъзан, бир-бирига енгил ўтиши, едириб юборилиши, илиқ ва совуқ туслар, оч ва тўқлиги орқали асардаги фигураларга улуғворлик ҳисси берилган, уларнинг буюклигига ишора қилинган.

Картинага боқсангиз кўпгина белгилар мрамрдан ясалганга ўхшайди. Композицияда колорит масаласи ҳам ўзининг чиройли ечимини топган. Фигуралар ва элементларнинг кўплиги ҳамда рангдорлик картинанинг умумий яхлитлигига таъсир қилмаган, аксинча, картина марказидаги глобусдан чиқаётган нур орқали муаллифлар бутун кўринишни яхлит композиция ҳолатига келтирган. Бу нурлар орқали асар мазмунини фикран таҳлил қилиш унинг маъносини яхшироқ англашимизга, шунингдек рассомлар ўзи истаган мақсадга эришган усулларни баҳолашимизга ёрдам беради.

Аввал уларни танқидий нуқтаи назаридан таҳлил қиламиз, лекин аста-секин шакл ва мазмунга кўпроқ эътибор беришни бошлаймиз, уларнинг хусусиятлари бир қарашда тушуниш осон эмас. Тасвирий санъат асари таркибида ҳамма нарса муҳим: расмнинг формати (тик ёки ётиқ), ўлчами, буюмларнинг фазодаги ўрни, "вазни", юзада жойлашиши, силуэтларнинг ҳаракати, чизиқлар ва ранг доғларнинг ритмик алмашилиши, тасвирнинг макон ва замон нуқтаи назардан ташкил этилиши, ёруғлик ва соянинг тарқалиши, ранг бериш усули, ўзига хос рамзий имо-ишоралар ва ҳ.к. Асарни томоша қилар эканмиз, биз баъзида тасодифий бўлиб туюладиган тасвирларни учратамиз, чунки уларни мазмун ёки шакл жиҳатдан бир-бири билан боғлаб бўлмайди, лекин айти пайтда улар асар мазмунини тўғри тушунишга ёрдам беради ва шу орқали томашабин ундан завқланади.

Муаллифлар учун, энг муҳими, нафақат томашабиннинг картинадаги чиройли ранглар, барча учун таниш бўлган чехраларини томоша қилиши, балки ўтмишимиз, шонли тарихимиз ҳақида тафаккур қилишга йўналтириш асосий мақсад ҳисобланади. Чунки қанчалик ғалати туюлмасин, кўпгина кузатувчиларда оддий мулоҳаза юритишнинг ўзи етарли эмас. Ишонамизки, пассив кузатувдан фаол идрок этишга ўтишнинг ягона усули бу санъат асарларини таърифлаш ва таҳлил қилиш учун зарур бўлган сўзларни излашдир.

Маълумки, Ўзбекистон инсоният цивилизациясининг энг қадимий ўчоқларидан бири саналади. Биз картинани кузатар эканмиз мил. ав. III-II минг йилликларда Марказий Осиёда вужудга келган ваҳий орқали эълон қилинган жаҳон динларининг энг қадимийси бўлган зардуштийлик дини рамзларини кўрамыз. Ушбу санъат асарининг юқори қисмида бир-бирига қараб турган қизғиш зарҳал шер тасвири мавжуд ва уларнинг орқасида қуёш чарақлаб турибди. Асарда Ўрта Осиё меъморлигида кўп учрайдиган қўш услубдан фойдаланилган. Қуёш бодомқовоқ, қийиқ кўзли юз шаклида тасвирланиб, зарҳал тусли ёғду билан хошияланган. Бу Самарқанддаги XVII асрда аштархонийлар даврида Регистон майдонида қурилган ҳашаматли иншоот - Шердор мадрасасидаги тасвир билан монанд.

Деворий суратнинг маркази бўйлаб айланасига жаҳон илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган қомусий олимлар ва уларнинг издошлари ҳамда шогирдларини кўришимиз мумкин. Дарҳақиқат Уйғониш даври мутафаккирлари ўз даврлари учунгина эмас, балки келгуси авлодлар, келажак замон учун ҳам маънавий куч-қувват манбаи, бебаҳо мерос қолдирганлиги, илмий, адабий ва фалсафий мерослари ўз даврларидан кейин ҳам дунё халқларига йўл кўрсатиб келатганлигини бутун жаҳон жамоатчилиги эътироф этади. Композицияда Абу Наср Форобий фалсафаси, ал-Хоразмийнинг ҳисоб илми, Абу Али ибн Синонинг тиббиёт илми, Абу Райхон Берунийнинг аниқ фанлар ва тарихга доир қарашлари, буюк шоир, давлат арбоби Алишер Навоийнинг нуруний чехраси, шоир, олим, йирик давлат арбоби ҳамда саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ўрта Шарқнинг буюк мусаввири Камолиддин Беҳзод сиймолари алоҳида меҳр билан тасвирланган. Уларнинг ёзувлари, ҳисоб-китоблари, илмий изланишлари рамзлари ёрдамида буюк аждодларимизнинг жаҳон илми, Шарқ маданияти тараққиётига қўшган ҳиссаларига ишора қилинганлигини кўрамыз. Аслида ҳам, бундай илмий маданий ва маънавий юксалиш ўрта асрлар учун қутилмаган, шу билан бирга

дунёни хайратда қолдирган ҳол бўлиб, шунинг учун ҳам уйғониш, илк ренессанс деб тарихга кирган.

Қадимий иншоотлар, меъморий ёдгорликлар, археологик қазилмалар ва ҳаттотлик намуналари, нақшу-нигорлар, амалий санъат буюмлари композицияга алоҳида безак бериш билан бирга, бой маданий меъросимизга томашабин эътиборини тортиб, тарихий ўтмишимизга нисбатан ғурур ҳисларини уйғотади.

Муаллифлар ўтмиш ва келажакни моҳирона боғлаб, замонавий қаҳрамонлар образи орқали ўтмишдаги меърос давомчиларининг ҳам Ватанимиз тараққиётидаги ўрнига ишора қилинади. Картинада шер – кучкудрат, шижоат рамзи; Танга давлатчилик, бойлик рамзи; Меҳроб – муқаддас Ватан; Авесто -эзгулик рамзи; Куёш – ёруғлик, зиё; Юлдузлар – буюк шахслар рамзи сифатида картинанинг қийматини ошириб турибди.

Бутун композиция зангори асосда бўлиб, фируза ва зарҳал бўёқлар билан тасвирланган. Шунингдек, гуллаб турган дарахт тасвирида ҳаёт давомийлигини, устоз-шогирд анъаналарининг қадимийлигини кўришимиз мумкин ва бу бир-бирига чирмашиб кетган новдалар, очилиб турган гулларда ифодаланган. Бунга гўзаллик рамзи бўлган товус ўзгача руҳ бағишлаган.

Умуман, ушбу бетакроп санъат асари кишида халқимизнинг буюк алломалари, уларнинг издошлари томонидан буюк тарих пиллапояларидан ёрқин келажак сари қадам ташлаётгандай тасаввур қолдиради.

Бу асарга фақат институтимиздагина эмас, балки, жаҳон миқёсида ҳам эътибордан четда қолмади. Дунёнинг сара тасвирий санъат асарлари каторида ЮНЕСКО томонидан нашр этиладиган 2021 йил календариди асарнинг сурати чоп этилди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ушбу асар институтимиз талабаларининг маънавий дунёқарашини шакллантиришда, уларда ватанпарварлик, миллий ғурур ҳиссини тарбиялашда аҳамияти жуда катта деб ўйлаймиз. Зеро, таълим соҳасининг барча йўналишлари учун ўз касбининг тарихий ривожланиши ва мазкур соҳада аждоқларимизнинг бой меросларини, жаҳон тарихида қолдирган буюк хизматларини ҳис қилишлари учун бир “тасвирий восита-қўлланма” вазифасини ўтайди деб умид қиламиз.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 230-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.10.2018 й., 09/18/858/2095-сон, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.09.2019 й., 09/19/821/3833-сон; 30.09.2019 й., 09/19/822/3840-сон;
2. SK Eralievich, MI Mukhamatsultonovna, BI Saidazimovich, AR Turgunovich, The Need for Creation of a
3. Байметов Ботир Болтабаевич, Султанов Хайтбой Эралиевич, Муратов Хусан Холмуратович, Собиров Сарвар Турсунмуротович. Научно-теоретические аспекты формирования Cluster of Pedagogical Innovations in the System of Continuous Education /International Journal of Psychosocial Rehabilitation// Том 24 №5 -2020: -ст. 6586-6591; композиционных способностей у студентов на занятиях по живописи. Журнал СОВРЕМЕННАЯ НАУЧНАЯ МЫСЛЬ. -2018. Том 1, № 1. Страницы- 83-94
4. Sultanov Kh.E. Innovation technology clusters use of technology in illustration/ International Journal of Psychosocial Rehabilitation// - Vol. 24, Issue 04, 2020 ISSN: 1475-7192: -3877;
5. Sultanov Kh.E., Sobirov S.T., Marasulova I.M. Theoretical basis of cluster approach in fine arts education / Journal of Critical Reviews// Vol 7, Issue 9, 2020: - p 109.;
6. Ғ.И.Мухамедов. Педагогик таълим инновацион кластери: эҳтиёж, зарурат, натижа. Халқ сўзи газетаси, №93. -2019 йил, 15 февраль;
7. Султанов Х.Э., Пак В.Ш., Кукиев Б.Б. Использование новых информационных коммуникативных технологий на уроках изобразительного искусства // МОЛОДОЙ УЧЁНЫЙ научный журнал №4 2016. С-829-833;
9. Байметов Б.Б., Султанов Х.Э., Муратов Х.Х., Собиров С.Т. Научно-теоретические аспекты формирования композиционных способностей у студентов на занятиях по живописи // Современная научная мысль Всероссийская научно-практическая конференция -с.87;
10. Султанов Х.Э. Развитие живописи Узбекистана в период независимости /МОЛОДОЙ УЧЁНЫЙ научный журнал// №4 -2016: -С. 874-876;
12. Султанов Х.Э. Талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун тасвирий санъат машғулотида инновацион технологиялардан фойдаланиш /Замонавий таълим илмий-амалий, оммабоп журнал// Т. №11 - 2016. Б.-59-65;
13. SS Tursunmurotovich, SX Eraliyevich, IU Shuhratovich, Illustration and the Influence of Illustrator on Children's Understanding of Fairy Tales and Works of Art in Books / International Journal of Psychosocial Rehabilitation// Том 24 №5 -2020: -ст. 3526-3533;
14. Султанов Х. Э., Худайбердиев П. У., Собиров С. Т. Непрерывное образование в Узбекистане как требование времени // Педагогика «Молодой учёный» . № 4 (138) . Январь, 2017.-с.385-388.